



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 30 ноябрь, № 248 (7478)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тошкентда 29 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.



MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI RAHBARLARINING IKKINCHI MASLAHAT UCHRASHUVI TOSHKENT, 2019-YIL 29-NOYABR

ВТОРАЯ КОНСУЛЬТАТИВНАЯ ВСТРЕЧА ГЛАВ ГОСУДАРСТВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ТАШКЕНТ, 29 НОЯБРЯ 2019 ГОДА

Марказий Осиё халқларини кўп асрлик қардошлиқ ришталари, муштарак тарих, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон бир қўлнинг беш бармоғидек ҳамisha бир-бирига суюнган, елкадош бўлган. Умумий тарихий меросга эга халқларимизнинг барқарор ривожланиши ва фаровон келажagini бир-бири-

дан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев сайловолди дастуридаёқ ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратган эди. Бу мақсадлар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат chegarаларини делимитация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди. Утган қисқа вақтда бу борада та-

рихий қадамлар кўйилди. Чегарадан ўтиш, сувдан фойдаланиш каби ўткир муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди, ўзаро борди-келди кўпайди. Президентимиз илк давлат ташрифларини кўшни мамлакатларга амалга оширди. Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди. Қозоғистон билан стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш

борасида муҳим ҳужжатлар имзоланди. Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга Ўзбекистоннинг бу сая-ҳаракатлари бутун минтақадаги муҳитга ижобий таъсир кўрсатди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Ҳурматли учрашув қатнашчилари! Аввало, сиз, муҳтарам дўстларимни — Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари ва делегациялар аъзоларини чин қалбимдан қутлайман.

Ушбу Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши манфаатларимизнинг ўзаро муштараклиги, минтақавий тараққиётнинг энг долзарб масалалари бўйича очик мулоқот ва биргаликда қарорлар қабул қилишга тайёр эканлигимизни яна бир бор яққол тасдиқлайди.

Биз ҳозиргина тор доирада ўтказган музокараларда ҳамкорлигимизнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини аниқлаш муҳим қадам қилдик ва мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч, яхши кўшничилик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида яқин кўриб келдик.

Маълумки, Марказий Осиё геостратегик жойлашувига кўра, минг йиллар давомида ҳақон микёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган.

Бизнинг минтақамиз доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган.

Бугун биз ана шундай муҳим ҳаётий саволларга биргаликда жавоб топишимиз керак.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари! Минтақанинг ҳар бир давлати Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва раванқини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сиёсий ирода ва амалий қадамларимиз туфайли биз ҳамкорликнинг янада юқори босқичига кўтарилимоқдамиз.

Бизнинг ҳамжihatлигимиз ва фаол саясий ҳаракатларимиз кўп қиррали минтақавий ҳамкорлик учун янги имкониятларни очиб берди. Биз қисқа муддатда биргаликда реал тарзда олдинга силжишга эришдик.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда 2 баробар, қўшма корхоналар сони 4 марта ўсди.

Биз шерикларимиз билан биргаликда чегараларимизда ҳуқуқий расмийлаштириш ишларини яқунлаш арасида турибмиз. Олтинчи яқин ўтиш пунктларининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш, визаларни бекор қилдик.

Ишбилармонлик ва ҳудудлараро алоқалар, транспорт қатновлари, маданий-гуманитар алмушувлар кенгайтириб бормоқда.

Утган йили Ўзбекистонда биринчи Марказий Осиё иқтисодий форуми ҳамда мамлакатларимизнинг Бош вазирлари ўринбасарлари даражасида Ишчи гуруҳнинг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди.

Ун йиллик танаффусдан сўнг 2018 йилда Туркменистонда Оролни қўқариш халқаро жамғармасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатларимизнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича музокараларнинг олиб борилгани, Марказий Осиёда радиация хавфсизлигини таъминлаш, "Барқарор ривожланиш учун сув" ҳаракатларининг халқаро ўн йиллиги, Энергетик хартиянинг Ашхобод декларацияси қабул қилингани, Марказий Осиё бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг резолюциялари ва шу каби бошқа кўлаб кенг эътироф этилган халқаро ташаббуслари яхши маълум.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДАГИ БАЁНОТИ

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар! Авваламбор, сизларни, бугун Тошкент шаҳрида ўтказилаётган тарихий анжумани — Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ёритиш мақсадида тўланган оммавий ахборот воситалари вакиллари самимий қутлашдан мамнунман.

Ушбу форматдаги доимий мулоқотларни ўтказиш ташаббуси хурматли ҳамкасбларимиз — минтақа етакчиларининг фаол кўллаб-қувватлаши билан амалга ошмоқда.

Шу муносабат билан 1998 йили Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитининг тарихий аҳамиятини ҳамда 2018 йилда Нур-Султон шаҳридаги Маслаҳат учрашувининг самарали натижаларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бугунги самимий музокараимиз ҳам аънавий дўстлик ва ўзаро англашув руҳида ўтди.

Учрашувлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши кўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий иродасининг яққол ифодаси бўлди.

Биз ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини аниқлаш муҳим қадам қилдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш йўлида бутунлай ҳамфикр эканлигимизни яна бир бор тасдиқладик.

Учрашув долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича бизнинг қараш ва ёндашуларимиз ўзаро жуда яқин эканини намойиш этди.

Минтақанинг мавжуд улкан иқтисодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, устувор соҳаларда мулоқот ва шерикликни ривожлантиришга келишиб олдик.

Биз давлатларимиз ўртасидаги савдо

тўсиқларини бартараф этиш, саноат кооперациясини янада қучайтириш учун барча сая-ҳаракатларни амалга оширамиз.

Энергетика инфратузилмаларини модернизация қилиш ва минтақанинг транзит имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йирик лойиҳаларни рўйбга чиқариш ниятидамыз.

Иқтисодий ва транспорт коридорларининг яратилиш борасида фаол ҳамкорлигимиз будан кейин ҳам давом этади.

Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатиш, экологик хатарларга қарши курашиш масалалари бўйича ҳам батафсил фикр алмашдик.

Биз иқтисодий ва транспорт коридорларининг жалб қилиш, "яшил иқтисодиёт" принципларини жорий этиш, чўлланишнинг олдини олиш орқали Оролбўйи муаммоларини ечишдаги сая-ҳаракатларимизни мувофиқлаштириб борамиз.

Мамлакатларимиз минтақалари ўртасида фаол мулоқотни кўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида қўшма тadbирларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олдик.

Биз Марказий Осиё халқларини бирлаштириб турадиган умумий қадрият ва аънавларни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш бўйича қўшма дастурларни амалга оширишдан манфаатдор эканлигимизни баён этдик.

Музокаралар чоғида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун кўп томонлама ҳамкорлик масалаларига аниқсиз жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда).

САЙЛОВ — 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партияси номидан "Бош мақсадимиз — экологик барқарор жамият барпо этиш" сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУНАРМАНДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий аънавларини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган oilаларни хунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг республика ҳудудларини хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ихтисослаштириш ва уларга хунармандчилик маҳсулотларини чет эл бозорларида намойиш этиш ва сотиш учун қўмақлашиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини бириктириш тўғрисидаги таклифлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари "Хунарманд" уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мувожаатига асосан ўзига бириктирилган ҳудудлардан бошқа ҳудудларда фаолият юритувчи хунармандлар маҳсулотларини чет элда намойиш этиш ва сотишда ҳам ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Неъматов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов), Савдо-саноат палатаси (Икрамов), "Хунарманд" уюшмаси (Абдуллаев) билан биргаликда республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали маъмур ваколатхоналар жойлашган ва бошқа йирик шаҳарларда хунармандларга ўз маҳсулотларини намойиш этиш ва сотиш учун миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, янги бозорларни ўзлаштиришга қўмақлашувчи "савдо уйлари" ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари дўконларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бадий академияси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва "Хунарманд" уюшмасининг "Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги"ни (кейинги ўринларда — Миллий каталог) жорий этиш;

"Туризм соҳасида фаолият юритаётган хунармандлар реестри"ни (кейинги ўринларда — Реестр) юритиш;

Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогида қиритилган номзодларни танлаш бўйича кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) тузиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

(Давоми 4-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси олдида

ҲУДУДЛАР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚАРАТИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

Бугун Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда сенаторлар томонидан бир неча янги қонунлар муҳокама қилиниши кутилмоқда. Бундан ташқари, юқори палата аъзолари халқимизнинг ижтимоий ҳаётида учраётган бир қатор долзарб ва зарур масалалар юзасидан Вазирлар Маъжамасига сўров юбориш ҳақида ҳам тегишли қарор қабул қилди.

Кеча бўлиб ўтган қўмиталар мажлисларида сенаторлар ялпи мажлис кун тартибидagi масалаларни атрафлича муҳокама қилдилар.

Жумладан, барча йиғилишларда "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди. Давлат бюджети илк бор қонун билан мустаҳкамланаётгани, мазкур ҳужжат аҳоли турмуш сифатини янада яхшилаши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни борасида сўз юритилди.

4

БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ



Ўзбекистон Экологик партияси бошқа сиёсий партиялар қарашлари, мақсад ва вазифаларини инкор этмаган ҳолда, барча сиёсий ва мафуралари кучларни — она табиатни асраб-авайлаш, унинг неъматларини келажақ авлодларга етказишдек буюк гоа атрофида бирлашишга чақиради.

Айтиш жоизки, тобора глобал тус олаётган экологик муаммоларни ҳал этиш, иқлим ўзгариши жараёнлари қарши курашиш борасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва барқарор ривожланиши, халқимизнинг

фаровонлигини янада юксалтириш мавжуд табиий бойликларимизга таянган ҳолда амалга оширилади. Мустақил тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни келгуси авлодларга қолдириш борасида узокни кўзлаган давлат сиёсати юритилмоқда.

Экологик барқарорлиқни таъминлаш, муаммоларни баргараф этиш ва улар салбий оқибатларининг олдини олиш, экологик ҳолатни яхшилаш ва юзага келган муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишда бутун аҳолининг фаол иштироки керак бўлади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳолининг саломатлигини сақлаш бўйича ишлаётган миллий

ҳамда чет эл жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари ижобий тажрибаларини ўзлаштирган сиёсий куч — Ўзбекистон Экологик партияси бундай муҳим ҳаётий мақсад ҳамда вазифаларни бажаришга қодир.

Партия ўз дастурий вазифалари, сайловли сиёсий позициясини амалга оширишда фаоллиги ила Ватанимиз манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳоли соғлигини сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталиқни таъминлаш борасидаги туб ислохотларни тушуниб етган, ташкилотчилик тажрибасига эга ва бу борада мустақил қарор қабул қила оладиган фуқароларга таянади.

Давлат сиёсатида атроф-муҳит масаласи устуворлигига эришамиз

Илмом ХУШВАҚТОВ, Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Партиямиз мамлакатимизнинг экологик сиёсатини амалга ошириш ва фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган конституцийвий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, ўзининг сиёсий ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда жамиятнинг барча кучини сафарбар этишнинг муҳим устувор йўналиши, деб ҳисоблайди.



Таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш, экологик маданиятни шакллантириш, экологик таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни изчил давом эттирамиз.

ниши соҳани яхлит тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги қарама-қаршиликларни, бўшлиқларни ва “оқ доғ”ларни баргараф этишга хизмат қилади.

ШУНИНГДЕК, ПАРТИЯМИЗ:

- ✓ миллий манфаатларимизга мос келадиган халқаро ҳужжатларнинг талабларини миллий қонунчиликка синдиришга;
- ✓ аҳолининг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва табиотдан фойдаланиш босида “ифлослантирувчи тўлайди” тамойилига асосан, мутлақо янги қонунларни қабул қилиш ва уларни амалга оширишга;
- ✓ трансчегаравий тусдаги зарарли таъсирлар оқибатини баргараф этиш, атроф-муҳитга ва аҳолининг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмларини янада такомиллаштириш ва бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиёти самардорлигини оширишга қўмақлашди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришнинг устувор мақсадларига ва унинг миллий манфаатларига мос келувчи халқаро экологик конвенция ва келишувларга қўшилиши масалаларини илгари сурмоқдамиз. Экологик масалалар юзасидан қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш ва аҳолининг тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи тўлиқ инobatга олинишини таъминлашни ҳам ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

«Яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш эътиборимизда бўлади

Эркин ОМОНОВ, Ўзбекистон Экологик партияси Ахборот хизмати раҳбари:

Биз атроф-муҳитни самарали бошқариш тарафдоримиз! Бу борада, албатта, амалий натижаларга эришамиз. Зеро, ушбу масалага қатъий ишонч билан қараётганмиз.



Ташаббусқори бўлади ва уни амалга оширишда фаол иштирок этади.

БУ Йўналишдаги Устувор Вазифалар Қўйидагилардан Иборат:

- ✓ иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан, хусусан, қуёш, шамол, кичик сув оқими, геотермал ва биомасса энергиясидан фойдаланиш;

ШУНГА ҚўРА:

- ✓ сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сувни тежайдиган, замонавий инновацион технологияларни кенг жорий этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш;
- ✓ иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, озонни бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатишни босқичма-босқич амалга оширишни таъминлаш;
- ✓ санaот, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, маиший ва бошқа чикнндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш, қайта ишлаш ҳамда иккиламчи фойдаланиш орқали уларнинг ҳажмини қисқартириш;
- ✓ биологик хилмаҳилликни сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот генофондини муҳофаза қилиш, тарихий-маданий қимматга эга табиий ландшафтларини ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни асраш, уларнинг Умумжаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига киритилишига эришиш;
- ✓ арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни, энергия самардорлигини яхшилашни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш;
- ✓ экологик сурғурта тизимини яратиш ҳамда ривожлантириш, экологик экспертиза, экологик баҳолаш ва аудит тизимларини такомиллаштириш чораларини қўрамиз.

АНА ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ҚўЙИДАГИЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТАМИЗ:

- ✓ мамлакатимиз туман ва шаҳарларидоги экологик ҳолатни ўрганиш, мавжуд муаммоларни баргараф этишга доир лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этиш учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда ижро органлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўямиз, уларнинг бажарилиши устидан парламент, депутатлик, жамоатчилик назоратини олиб борамиз;
- ✓ ҳудудларни истикболда ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиб, улар ҳар жиҳатдан экологик талабга мувофиқлиги юзасидан кенг жамоатчилик ҳўлосларини олишга қўмақлашамиз;
- ✓ мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш, уларнинг юзага келишининг олдини олиш ва салбий оқибатларини баргараф этишда давлат органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар саъй-ҳаракатларини бирлаштирамиз;
- ✓ сув ва табиий ресурслардан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимиз эъзозлаб келган она табиатни асрашни муқаддас бурчга айлантириш гоисини илгари сурамиз;
- ✓ аҳолининг экологик масалаларга оид мурожаатларини қўриб чиқиш, улар билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш мақсадида уйма-ўй юриб, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаймиз ҳамда ҳал этамиз;
- ✓ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, аҳолининг экология ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда давлат экологик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этамиз.

Биз соҳага оид мукамал қонунлар, нормалар ва стандартлар тарафдоримиз

Ойбек РАҲИМОВ, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:

— Биз умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига асосан, табиатни муҳофаза қилиш масаласини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш ва табиотдан оқилона фойдаланиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга доир қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда янги қонун ҳужжатлари қабул қилиш ташаббусини илгари суряпамиз.



қонунлар билан тартибга солиш имконини бермаяпти. Соҳа қонунчилик базасини тизимлаштириш, тўғридан-тўғри амал қилиш механизмига эга қонунларни қабул қилиш бугунги кунда долзарб масалага айланди.

Шундан келиб чиқиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, Ўзбекистон томонидан қабул қилинган халқаро норма ва қоидаларга очишмай рия этилишини таъминлаш, мажмуавий ва тўғридан-тўғри амал қиладиган Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини қабул қилишни сайловли дастури-мизга киритганмиз. Бу кодекснинг қабул қили-

O'ZBEKISTON EKOLOGIK PARTIYASI

SIZ BILAN

☎ 71 209 85 65 🌐 www.ecouz.uz ✉ info@eco.uz 📞 @ecouzbeikistan 🇺🇦 ecopartyuzbekistan

Аҳоли саломатлигининг муҳим шарти

Феруза ҒАНИЕВА, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи:

— Экологик хавфсизликни, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини ҳамда соғлигини сақлашга оид экологик ва санитария нормаларига рия этилишини таъминлаш инсон саломатлигининг муҳим омилли саналади. Шундан келиб чиқиш, аҳолининг экологик хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда уни рўйбга чиқариш ташаббуси билан чиқмоқдамиз. Бу борадаги вазифамиз давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг экология, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига,



экологик ва санитария нормаларига рия этишларини таъминлаш, соҳада қабул қилинган қарорлар ва давлат дастурларини амалга оширишни фаоллаштириш ва унинг бажарилишини таъминлашни назоратга олишдан иборатдир.

БУНДА ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДАН КЕНГ Фойдаланган Ҳолда:

- ✓ Орал экологик фоҳиса оқибатларининг худуд аҳолиси ва атроф-муҳити учун салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, мамлакатнинг бошқа экологик нуқулай жойларида табиий муҳитни муътадиллаштириш юзасидан қабул қилинган қарорлар ва давлат дастурларининг ижроси таъминланади;
- ✓ табиатни муҳофаза қилиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, сув ва сувдан фойдаланиш, ер, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чикнндилар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини талаблари бажарилишига қўмақлашади;
- ✓ аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви таъминоти яхшилаш, худудларда канализация тармоғини ривожлантириш, санитар тозалаш ҳамда чикнндиларни йиғиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини самарали ташкил этиш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини ўрганишга ва таъминлашга асосий эътибор қаратилади;
- ✓ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, уларни бошқариш соҳасига замонавий АҚТни жорий этишни таъминлаш, мамлакат экотизимининг биохилмаҳиллигини сақлаб қолтиш ҳамда экологик туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилади.

- ✓ саноатнинг қўр ресурслар талаб қиладиган айрим тармоқларида, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, транспорт-коммуникация тизими ва коммунал секторда инновация, ресурс, энергия, сувни тежовчи ва бошқа экологик тоза технологияларни ҳамда АҚТни кенг жорий этишни қўллаб-қувватлаш;
- ✓ истеъмол хусусиятини йўқотгандан кейин атроф-муҳитга зарар етказадиган ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган товарлар гуруҳига экологик бадал жорий этиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини (“ифлослантирувчи тўлайди” тамойили асосида) такомиллаштириш;
- ✓ “яшил иқтисодиёт”га ўтишга эришиш учун инвестицияларни жалб қилиш, молиявий, моддий-техника воситаларини ва интеллектуал салоҳиятини сафарбар этиш.

Биз мамлакатимизнинг ўсиб бораётган аҳолисини ва ортб бораётган эътиёжини экологик тоза қишлоқ ҳўжалиги мақсулотлари билан янада тўлиқроқ қондириш орқали озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг харид имкониятини мустаҳкамлаш, нарх-навоининг ошиб кетиши, инфляцияга ва аҳоли реал даромадлари тушиб кетишига олиб келувчи омилларнинг шаклланишига йўл қўймайлик мақсадида “ақли қишлоқ ҳўжалиги” технологиялари ва инновацияларни амалга кенг татбиқ этишни ҳам лозим, деб биламиз. Юртимизда иқтисодиёт соҳаларини энергия ресурсларининг ишончли манбалари билан барқарор таъминлаш, экологик тоза муқобил энергия турларига босқичма-босқич ўтиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, ушбу йўналишларга илгор инновация технологияларини жорий этиш ҳам партияимизнинг диққат марказида бўлади.

Табиотдан оқилона фойдаланилади

Диёра ШАРИПОВА, Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент вилояти худудий бўлими раҳбари:

— Биз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали аҳоли учун қулай шароитлар яратишни энг муҳим вазифалардан, деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда партияимиз мақсадли давлат, минтақавий ва худудий дастурлар ҳамда лойиҳалар жойларда амалга оширилишини таъминлаш зарур, деб билади.



ҳажми ва турини кўпайтириш, ушбу йўналишда давлат бошқаруви тизими самардорлигини ошириш, шунингдек, хусусий секторни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Экологик партияси жойларда табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган истикболли инвестиция лойиҳалари бажарилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилишига, бу мақсадлар

«Ақли шаҳар» концепциясини «яшил иқтисодиёт»га уйғунлаштирамиз

Саидрасул САНГИНОВ, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва худудларни ривожлантириш ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил январда Ўзбекистонда “Ақли шаҳар” технологияларини татбиқ этиш концепцияси ва уни ҳаётга жорий этиш бўйича 2019—2021 йилларга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланган эди. Жорий йил 4 октябрда



Президенти томонидан мамлакатнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси тасдиқланди.

МАЗКУР СТРАТЕГИЯНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҚўЙИДАГИЛАРДИР:

- ✓ иқтисодиётнинг энергия самардорлигини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- ✓ давлат инвестицияларининг устувор йўналишлари ва ҳарajatларига “яшил” мезонларни киритиш;
- ✓ “яшил иқтисодиёт” тамойилини татбиқ этиш лойиҳаларини давлат томонидан рағбатлантиришни таъминлаш;
- ✓ соҳа учун кадрларни тайёрлаш;
- ✓ бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Умуман, биз “Ақли шаҳар” тизимини “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясига мослаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Негаки, бу тизимни экологик маданият ва билимга эга бўлган шаҳар

аҳолисисиз ҳамда ичимлик суви, тупроқ, электр, иссиқлик энергиясидан унумли фойдаланмасдан ва чикнндиларни утилизация қилмасдан туриб татбиқ этиб бўлмайди.

ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ПАРТИЯМИЗНИНГ ЯҚИН МУДДАТЛАРДА ВА 2025 ЙИЛГАЧА МўЛЖАЛЛАНГАН «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ»ГА ўТИШГА ОИД ВАЗИФАЛАРИ ҚўЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

- ✓ “яшил иқтисодиёт” учун кадрларни тайёрлаш;
- ✓ мамлакат энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбалари улүшини 10 фоизгача етказиш;
- ✓ аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви таъминотини 100 фоизга етказиш;
- ✓ атмосфера ҳавоси ифлосланишини 1,5 баробар камайитириш;
- ✓ чикнндилардан оқилона фойдаланишга эришиш, маиший чикнндиларни қайта ишлаш, тақрорий фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш орқали уларни қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга етказиш, ҳосил бўлаётган саноат чикнндиларини қайта ишлаш миқдорини 20 фоизгача етказиш;
- ✓ муҳофаза этиладиган табиий майдонларни мамлакат худудининг 12 фоизига етказиш;
- ✓ йирик саноат марказлари атрофида “яшил қалқонлар” барпо этиш;
- ✓ республика худудининг ўрмон билан қопланганлик даражасини 7,6 фоиздан 15 фоизга етказиш.

Умуман, партияимиз аъзолари сайловли дастурида белгиланган вазифаларини ижро этишга астойдил ҳаракат қиладди. Бунинг учун бизда етарли куч ва салоҳият мавжуд.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буларнинг барчасида барқарор бир тенденция — давлатларимизнинг муқталиги ҳоли ва умумий келажак учун масъулияти кучайиб бораётгани намоён бўлмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Марказий Осий давлатлари минтақавий ва глобал масалалар бўйича тобора кўпроқ умумий позициядан туриб фикр билдирмоқда.

Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз — бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиған жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас.

Бу борада, бирлик ва жиписликни мустақамлашган ҳолда, биз ички ва барқарор ривожланиб бораётган минтақамизнинг, демакки, истиқболли ва ишончли халқроқ шерикнинг шаклланишига ҳисса қўшмоқдамиз.

Натижада **дунёда Марказий Осийга эътибор изчил ортиб бормоқда, бизнинг биргаликда илгари сураётган ташаббусларимизни қўллаб-қувватлашга еткази давлатлар ва халқроқ молия тузилмаларининг қизиқиши тобора кучаймоқда.**

Шу муносабат билан минтақа мамлакатларининг хорижий шерик билан турли форматларда яқин ва тизимли мулоқотини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқроқ ва минтақавий тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблайман.

Муҳтарам делегация раҳбарлари ва аъзолари!

Кенгайиб бораётган минтақавий шерикликнинг устувор йўналишлари ҳақида гапирганда, қуйдагиларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчи. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги вазифаларни амалга оширишга бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш муҳимдир. Булар бутун минтақанинг жадвал тараққиёти ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор вазифаларидир.

Бу борада Марказий Осий инвестиция форуми ва мамлакатларимиз савдо-саноат палаталарининг илк йиғилишини ўтказиш, Транспорт-коммуникациялар бўйича минтақавий кенгаши ташкил этишни тезлаштиришни тақлиф этамиз.

“Бир сарёат билан — бутун минтақа бўйлаб” тамойили асосида қўшма дастурларни илгари суриш учун Халқроқ туризм конференциясини ташкил этишни тақлиф этамиз.

Иккинчи. Бош вазир ўринбосарлари ва ташқи ишлар вазирларининг кўп томонлама учрашувларини мунтазам ташкил қилиш билан бирга Марказий Осий мамлакатлари Парламентлароқ дўстлик гуруҳини таъсис этишни тақлиф қиламиз.

Учинчи. “Марказий Осий — ягона ўтмиш, умумий келажак” ширини остида маданий-гуманитар алмашув платформасининг яратилиши барча халқларимиз манфаатларига жавоб беради, деб ўйлайман.

Сизларнинг қўллаб-қувватлашини билан илм-фан, маданият ва саноат соҳаларида эришган салмоқли ютуқлари учун Марказий Осий муқофотини таъсис этиш, шунингдек, университетлар формулари ва минтақавий спорт ўйинларини ташкил этиш тақлиф қилинмоқда.

Ҳар йили Наврўз байрами арафасида навбати билан ҳар бир мамлакатда Марказий Осий маданияти кунларини ўтказишни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг барчаси қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Тўртинчи. Минтақанинг мураккаб сув ва экологик муаммоларини ҳал қилиш ва ечиш ўзаро мувофиқлаштирилган ёндашувларни талаб қилади.

Инновацион технологияларни жалб қилиш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини таъбиқ этиш, чўлланнинг салбий оқибатларини бар-тараф қилиш ва бошқа комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Траст фонди имкониятларини самарали ишга солиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишнинг барча учун мақбул ечимини излашни давом эттириш лозим.

Бешинчи. Энг муҳим устувор вазифа — минтақавий барқарорлик ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга кенг миқёсда қарши туриш учун мамлакатларимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматларининг оператив ҳамкорлик қилиши бўйича ишчи механизмларни яратиш таърифдоримиз.

Афғонистон бизнинг минтақамизнинг узвий бир қисmidир. Ушбу мамлакатга тинчлик ва тараққиёт йўлига қатъий қадам қўйиши учун ёрдам бериш барчамизнинг умумий манфаатларимизга тўлиқ мос келади.

Муаммони сиёсий йўл билан ҳал қилиш борасидаги асосий тамо-

йилларга амал қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Авваламбор, бу — зўравонликдан воз кечиш, ўт очишни тўхтатиш, мулоқот ва муросага тайёрликни намоён этишдан иборат.

Бундан ташқари, Афғонистонда муҳим инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга фаол жалб этишга қаратилган мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ўта муҳимдир.

Хурматли дўстлар!

Бугун шуни ишонч билан айтишим мумкинки, **бизнинг мамлакатларимиз ўртасида деярли барча асосий йўналишлар бўйича кўп томонлама муносабатларнинг янги тизими барпо этилмоқда.**

Ушбу ижобий ва шиддатли жараённинг негизида халқларимизнинг ўзаро интилиши ва манфаатларининг муштараклиги мўжассамдир.

Ишончим комилки, бугун белгилаб олинган барча устувор вазифалар келгусида Марказий Осийда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бизнинг ягона қарашимизда ўз аксини топиши керак.

Биз ўзаро ҳамкорлигимизнинг асосий мақсад ва тамойилларини келишиб олишимиз, инсон, капитал, товар ва хизматларнинг ҳаракати, шунингдек, кенг қўламли маданий-гуманитар алмашувлар учун қулай шароитлар яратиш беришимиз лозим.

Умид қиламанки, бугун Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви муносабатларимизда янги саҳифа очиб, Марказий Осийда дўстлик, яхши қўшничилик ва шерикликни мустақамлашнинг амалий механизмларини йўлга қўйиш ва шакллантиришга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДАГИ БАЁНОТИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биз Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича халқроқ саръ-ҳаракатларни фаоллаштириш тарафдоримиз. Биродар афғон халқига амалий ёрдам кўрсатишни, ён қўшнигимиз бўлган ушбу мамлакатда бевосита улар иштирокида қўшма инфратузилма лойиҳаларини ва минтақавий ташаббусларни илгари суришни бундан кейин ҳам жадвал давом эттираемиз.

Бу чора-тадбирлар Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик жараёнларини таъминлаш, иқтисодиётни қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитлар яратишига ишонамиз.

Минтақамиз давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви форматидидаги ҳар йил ўтказиладиган саммитлар гоятда муҳим эканини барчамиз қатъий маъқулладик. Учрашувларимиз ҳамкорлигимизнинг энг долзарб масалаларини очиклик ва ўзаро ишонч асосида муҳокама қилиш учун самарали мулоқот майдони бўлишини яна бир бор тасдиқлади.

Саммит якунида муносабатларимиз натижадорлигига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Бу ўринда, аввало, Қўшма баёнот ҳақида тўхталишни истар эдим. Мазкур ҳужжат бизнинг минтақавий ҳамкорлигимизни ҳар томонлама чуқурлаштириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлаш борасидаги умумий сиёсий иродаимизни яна бир бор тасдиқлади.

Биз Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш Регламентини маъқулладик. Ушбу ҳужжат саммитларга пухта ҳозирлик кўриш, уларни тизимли равишда ўтказиш, келишилган ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилишга асос бўлади.

МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ана шундай яхши қўшничилик муҳити, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустақамлашга қаратилган эзгу ташаббусдир.

Мазкур анжуман тарихига назар ташласак, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамдаридан туриб айтган эди. 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари “Марказий Осийнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланшидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жинбаран тараққиёт этган Марказий Осий — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустақамлашнинг қатъий тарафдоридир”, дея таъкидлади.

Уша йили ноябрь ойида Самарқанда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осий: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқроқ анжуманда Президентимиз Марказий Осийга оид долзарб масалалар бўйича минтақа мамлакатларининг саръ-ҳаракатларини бирлаштириш, бунинг учун Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам йўлга қўйишни тақлиф этди.

Бу ташаббусни минтақадаги барча давлатлар ва халқроқ ташкилотлар қўллаб-қувватлади. Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг тақлифига биноан, биринчи Маслаҳат учрашуви 2018 йил 15 мартда Қозоғистонда бўлиб ўтди. Унда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осийда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақлифининг ижобати сифатида 2018 йил 22 июнь кунин БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осий бўйича махсус резолюция қабул қилингани минтақавий ҳамкорлик ривожига мустақам замин яратадиган яна бир тарихий воқеа бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ташқи сибасатида “Марказий Осий — бош устувор йўналиш” тамойили амалда таъбиқ этила бошлади. Барча қўшничиликчи билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустақам-

лаш асосий вазифалардан бирига айланди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан саналади. 2018 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошган. Жорий йилнинг январь — октябрь ойларида бу кўрсаткич 2,9 миллиард долларни ташкил этди.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳуқуматлароқ комиссия самарали фаолият олиб бормоқда. Юртиямида Қозоғистон капитални иштирокида 766 та, Қозоғистонда эса Ўзбекистон резидентлари иштирокида қарийб 200 корхона очилган. Автомобиль ва темир йўллар орқали юк ташин ҳажми ҳам ўсган. Мамлакатларимизнинг йирик шаҳарлари ўртасида автобус ва самолётлар қатнови йўлга қўйилган.

Қирғизистон билан алоқалар ҳам кенгаймоқда. Хусусан, 2018 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 481 миллион доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг январь — октябрь ойларидаёқ кескин ўсиб, 703 миллион долларга етган.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳуқуматлароқ комиссия ишламоқда. Ўзбекистонда Қирғизистон вакиллари иштирокида 150 та, Қирғизистонда эса юртимиз капитални иштирокида 51 корхона очилган. Худудлароқ алоқалар, саноат кооперацияси ҳам изчил ривожланмоқда.

Кейинги йилларда Тожикистон билан ҳамкорлик ҳам фаоллашди. Масалан, 2018 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 389 миллион доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг январь — октябрь ойларида бу кўрсаткич қарийб 30 фоиз ўсиб, 408 миллион долларга етган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳуқуматлароқ комиссия тузилган. Икки мамлакатда ўзаро ҳамкорликда тузилган ўнлаб корхоналар ишлаб турибди. Маданий-гуманитар ва туризм соҳасидаги алоқалар ҳам кенгаймоқда.

Марказий Осий давлатлари раҳбарлари саммитининг асосий воқеалари 29 ноябрь кунин Кўксарой қароғоҳида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб саммит меҳмонлари билан учрашувлар ўтказди.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан учрашув аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, унга Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари етакчилари учрашувларини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Биргаликдаги саръ-ҳаракатлар тўғрисида кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги аниқ-

анавий яқин муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, аниқ амалий мазмун билан бойиди.

Элбоши Нурсултон Назарбоев, ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илк бор 2018 йили Нур-Султон шаҳрида ўтган Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини минтақада кўп қиррали ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилаётгани ҳамда шерикликнинг амалий лойиҳаларини илгари суриш учун самарали майдон вазифасини ўтаётганини таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид, шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари изчил таъкидлаш билан бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Турли даражалардаги алоқалар фаоллашгани, товар айирбошлаш ортаётгани, гуманитар алмашинувлар жаддаллашгани алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ва халқроқ аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонлар Марказий Осий давлат раҳбарларининг Тошкентдаги Маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш ҳамда дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустақамлашга салмоқли ҳисса қўлишига ишонч билдирдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан мулоқотда стратегик шериклик даражасига кўтарилган кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ҳамкорликдаги саръ-ҳаракатлар тўғрисида бугун савдо-иқтисодий муносабатлар фаол ривожланмоқда. Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, турли тармоқлардаги кооперация кучаймоқда, маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда.

Учрашувда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди, шунингдек, минтақавий ва халқроқ аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан учрашувда томонлар мамлакатларимиз

ҳамкорлигининг долзарб масалалари ва уларни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Давлат раҳбарлари, шунингдек, халқроқ ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Марказий Осий давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бошланди.

Суратга тушиш маросимидан сўнг делегациялар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сузлади.

Давлатимиз раҳбари мажлис иштирокчиларини самимий қутлаб, ушбу учрашув ҳаёт талаби, томонларнинг дўстлик ва яхши қўшничиликни мустақамлаш, шерикликни кенгайтиришга интилиши ифодаси эканини таъкидлади.

Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саръ-ҳаракатли тўғрисидаги охириги йилларда қўллаб-қувватлашга масалаларга ечим топилди. Бу ижобий ўзгаришлар халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда бутун дунёда юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, тез ўзгараётган дунёда янгидан-янгини масалалар кун тартибига чиқмоқда. Минтақавий хавфсизликка таҳдидлар, барқарор ривожланишга халал берувчи омиллар пайдо бўлаёттир. Бу ўзаро ишончсиз асосланган шерикликни мустақамлашнинг, саръ-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Етақчиларнинг мазкур учрашуви олий даражадаги минтақавий мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

— Яратганининг инояти билан биз қўшниларимиз. Халқларимизнинг тарихи ва тақдирини, келажиги ҳамбарчас боғлиқ. Бу эса минтақамизни бирлаштирувчи катта кучдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осийда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича ягона нуқтаи назарни келишиш зарурлигини таъкидлаб, унинг асосий йўналишлари ҳақида ўз фикрларини билдирди, қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Бу, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантиришдир. Катта бозорга эга, табиий хом ашё ва инсон ресурслари салмоқли бўлган минтақамизнинг рақобатдош устунликларини имкон қадар тўлиқ ишга солиш муҳим. Қўшимча қиймат занжирини шакл-

лантириш, минтақа ичида савдонини кенгайтириш, иш ўринлари яратиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги имкониятларни аниқлаш ва кооперация лойиҳаларини амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати, аграр тармоқда фаол ҳамкорлик қилишга тайёр экани билдирилди.

Иккинчи муҳим йўналиш — минтақанинг транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини мустақамлаш ва транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш.

Марказий Осийнинг транспорт тизими яратилаётган замонавий логистика инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда минтақа ичида узлуксиз коммуникацияни таъминлаш, шунингдек, тобора ортиб бораётган транзит оқимларига самарали хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Учинчидан, минтақамизнинг узоқ муддатли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги, Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини ошириш, замонавий энергетика инфратузилмасини яратиш борасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёр экани таъкидланди.

Мамлакатларимизнинг улкан туризм салоҳиятини амалга ошириш яна бир истиқболли йўналишидир. Давлатимиз раҳбари бунинг учун Марказий Осийнинг ягона, кўпчилик танийдиган туризм брендини, минтақа учун умумий бўлган жозибador туризм махсулотларини шакллантириш лозимлигига эътибор қаратди.

Шавкат Мирзиёев сувдан фойдаланиш борасидаги муаммоларини ҳал этишга доир ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишни тақлиф этди, Афғонистонда тинчлик, миллий муроса ва иқтисодий тикланишга эришишга қўмақлашиш йўлида минтақа мамлакатларининг саръ-ҳаракатларини мувофиқлаштириш муҳим эканини таъкидлади.

Марказий Осий давлатлари делегацияларининг кенгайтирилган таркибига музокараларида хавфсизликни мустақамлаш, давлатларимиз ўртасидаги савдо тўсиқларини бар-тараф этиш, минтақанинг мавжуд улкан иқтисодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда саноат кооперациясини янада кучайтириш, энергетика инфратузилмаларини модернизация қилиш ва худуднинг транзит имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши манфаатларининг ўзаро муштараклиги, мамлакатларимиз минтақавий тараққиётнинг энг долзарб масалалари

бўйича очик мулоқот ва биргаликда қарорлар қабул қилишга тайёр эканини яна бир бор аққол тасдиқлашини таъкидлади.

Учрашувда томонлар худудлар даражасида фаол алмашинувлар ва мулоқотни қўллаб-қувватлаш, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида қўшма тадбирларни мунтазам ўтказишга келишиб олдилар.

Марказий Осий асрлар давомида қардош халқлар тинч ва тотув яшаб келаётган жаҳондаги кам сонли минтақалардан биридир.

Саммитда минтақа давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви форматидидаги хар йиллик саммитлар шу жиҳатдан гоят муҳим экани таъкидланди. Шунин алоҳида қайд этиш керакки, Марказий Осий давлатлари бугунга келиб олий даражадаги минтақавий мулоқотни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичига кўтарилди.

Саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Регламенти маъқулланди.

Туркменистон Президентининг тақ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУНАРМАНДЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

4. Белгилансинки: а) Миллий каталогга куйидаги хунармандлар Кенгаш қарори асосида киритилади: нуфузли халқро кўргазма, кўрик-танлов каби тадбирларда...

б) Реестрга Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан "Хунарманд" уюшмасининг куйидаги аъзолари киритилади:

туристик маршрутдаги манзил бўйича ўз устахонасида ёки ижара асосида фаолият юритувчилар; ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни галереялар, хунармандчилик маҳсулотлари дўконлари, маҳаллий ва хорижий савдо уйларига шартнома асосида намойиш ва сотиш учун қўяётганлар;

Миллий каталогга киритилганлар; "Хунарманд" уюшмасининг Бадий кенгаши томонидан тавсия этилганлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Маданият вазирлиги, Бадий академияси ва "Хунарманд" уюшмаси:

икки ҳафта мuddатда "Хунарманд" уюшмаси раиси раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бадий академияси раҳбарлари ва масъул ходимларидан иборат бўлган Кенгаш таркибини тасдиқласин;

бир ой мuddатда хунармандларни Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогига киритиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш, тасдиқласин.

"Хунарманд" уюшмаси 2020 йил 1 январдан бошлаб Миллий каталогни очик ва умумфойдаланиладиган веб-сайт кўринишида ишга тушириш чораларини кўрсин ва доимий равишда янгилаб боришсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда:

бир ой мuddатда туризм соҳасида фаолият юритаётган хунармандлар реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш, тасдиқласин;

2020 йил 1 январга қадар Реестрнинг шакллантирилишини таъминласин;

2020 йил 1 мартдан бошлаб Реестрни онлайн тарзда реал вақт режимида янгиланувчи очик ва умумфойдаланиладиган веб-сайт кўринишида ишга тушириш чораларини кўрсин ва доимий равишда янгилаб боришсин.

7. 2020 йил 1 январдан бошлаб:

2023 йил 1 январга қадар Миллий каталог ва Реестрга киритилган хунармандлар учун календарь йили давомида хунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушуми 100 млн. сўмдан ошган, бироқ 1 млрд. сўмдан кўп бўлмаган миқдори учун яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ягона солиқ тўлов ставкаси 2 фоиз миқдоридан тўланади;

хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича янгидан давлат рўйхатидан ўтишда тўланадиган давлат божи яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун амалда белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдоридан ўрнатилсин;

Миллий каталогга киритилган хунармандларга шогирдлар сони бўйича чекловлар бекор қилинсин;

кўргазма заллари, галереялар, павильонлар, бозор ва ярмарка растанларида намойиш қилиш ва сотиш учун жойлар, фаолиятини кенгайтириш учун ихтисослаштирилган хунармандчилик мажмуаларида ер участкалари ажратилишида Миллий каталогга киритилган хунармандлар учун устуворлик қўлланилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сон Фармони билан кишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган ягона ижтимоий тўловнинг 50 фоизини тўлаш тартиби ўрнатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мақзур тартиб 2020 йил 1 январдан бошлаб шаҳарларда рўйхатдан ўтган ва айнан халқ амалий санъати маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига таъбиқ этилсин.

Бунда, халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар ва кўникмалар, аънавий асбоб-анжомлардан фойдаланган ҳолда, асосан қўл меҳнати усулида яратилган ва қоида тариқасида миллий нақшлар билан безатилган буюм ва асарлар халқ амалий санъати маҳсулотлари ҳисобланшини белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-4498-сон қарорига мувофиқ 2020 йил давомида хунармандчиликни ривожлантириш дастури учун 589,3 млрд. сўм миқдоридан (шундан, 470 млрд. сўм (50 млн. АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан) кредитлар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари юқоридаги қарорнинг 2-банди тўртинчи ҳатбосида белгиланган шартларда ажратсин.

АТ Халқ банки, "Микрокредитбанк" АТБ ва "Агробанк" АТБ ушбу манбалар ҳисобидан "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, "Уста — шогирд" мактабларини ташкил этиш, уй-музей ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва ишоотлар сотиб олиш, айланма маблағларини тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасида ошмаган ҳолда 18 ой мuddатга, базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 бараваридан ошмаган миқдорда кредитлар ажратсин.

Бунда "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига тадбиркорлик лойиҳаларига тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасида ошмаган ҳолда ажратиладиган кредитлар фойз ставкаларининг тўртдан бир қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб берилсин.

10. "Хунарманд" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб хунармандчилик ихтисослашган худудларда хунармандчилик ва халқ амалий санъати йўналишлари бўйича болалар мусиқа ва санъат мактаблари, "Баркамол авлод" болалар марказлари ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-хунарга ўқитиш марказларида ўқув курсларини ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Хунарманд" уюшмаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар хунармандчилик йўналишида касб-хунар таълими муассасаларида қадрлар тайёрлашнинг намунавий ўқув режа ва дастурларини тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўрмон ҳужалиги давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси икки ой мuddатда

хунармандларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё (шу жумладан, мис, қора металл, ипак ва ёғоч) билан таъминлашнинг қулай тизимини жорий этиш ҳамда қайта тикланадиган хом ашё (тутзорлар, қаттиқ турдаги дарактлар) базасини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Миллий каталогга киритилган хунармандларга маркетинг соҳасида доимий амалий ёрдам қўрсатсин ва уларнинг маҳсулотлари электрон тижорат (E-commerce) йўналишида кенг қўлланиладиган Интернет жaxon ахборот тармоғи веб-сайтлари орқали сотилишида зарур ташкилий ишларни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ой мuddатда йирик савдо мажмуалари ва деҳқон бозорлари худудларида алоҳида "хунармандлар растанлари"ни ташкил этсин;

"Хунарманд" уюшмасига аъзо бўлган хунармандларни доимий равишда "хунармандлар растанлари"га жойлаштириб боришсин;

2020 йил якунига қадар ташаббускорларни жалб қилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2-иловага мувофиқ туман ва шаҳарларида миллий хунармандчиликнинг барча йўналишларини ўзида мужжасам этадиган замонавий "хунармандлар бозори"ни ташкил этсин;

хунармандларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Сузуқ ота" мажмуаси мисолида ихтисослаштирилган хунармандчилик мажмуаларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

2020 йил якунига қадар Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида халқ амалий санъати ва хунармандчилик маҳсулотлари кўргазма заллари ва галерейларини ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Хунарманд" уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда "World craft council" халқро хунармандчилик кенгаши томонидан ташкил этиладиган тадбирларда "Хунарманд" уюшмасининг доимий иштирокчи таъминлаш ҳамда ушбу халқро ташкилот билан хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги тадбирлар учун халқро ташкилотларнинг техник кўмагини жалб қилишга қаратилган аниқ тадбирларни ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва "Хунарманд" уюшмаси хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш борасидаги халқро таърибани мунтазам ўрганиб бориш ва умумлаштириш, шу асосда илғор хорижий таърибаларни Ўзбекистон Республикасида жорий этишга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

15. "Uzbekistan airways" АЖ ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга хунармандчилик соҳасидаги нуфузли халқро фестивал ва кўргазмаларда катнашадиган Миллий каталогга киритилган хунармандлар учун йўл чипталарига имтиёзлар қўллаш тавсия этилсин.

Бунда хорижий давлатларда аънавий тарзда ўтказиладиган хунармандчилик соҳасидаги нуфузли халқро фестивал ва кўргазмаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий давлатларда аънавий тарзда ўтказиладиган хунармандчилик

соҳасидаги нуфузли халқро фестивал ва кўргазмаларда хунармандлар иштирок этишлари учун зарурий ташкилий кўмак кўрсатилишини таъминласин.

16. Хунармандчилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 3-иловага мувофиқ тасдиқласин.

"Йўл харитаси"да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлигига шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда "Йўл харитаси"да назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига киритиб боришсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги республикада хунармандчилик соҳасининг ривожланишини баҳолаш учун тегишли индикаторларни Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда икки ой мuddатда ишлаб чиқсин ва уларнинг 2020 йилдан бошлаб ҳар чорада оммавий ахборот воситаларида чоп этиб борилишини таъминласин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой мuddатда:

мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳамда туман ва шаҳарларнинг хунармандчилик йўналишлари бўйича ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2020-2021 йилларда хунармандчиликни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқсин; ишлаб чиқилган стратегиялар йўналишлари бўйича 2020 йилдан бошлаб ҳар чорада оммавий ахборот воситаларида чоп этиб борилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Давлат божиноа қўмитаси, Фанлар академияси, Бадий академияси, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда аънавий халқ бадий хунармандчилиги буюмлари турларини қайта кўриб чиққан ҳолда маданий бойликларга тааллуқли ашёлар тоифаси таркибига ўзгартиришлар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

19. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:

"Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида хунармандчилик ва халқ амалий санъати тарихи ҳамда бугунги ривожини кенг тарғиб қилиб бориш мақсадида "Маданият ва маърифат" телеканалда мунтазам намойиш этиладиган хунармандчиликка оид телекўрсатувларни ташкил этсин;

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шoҳри, 2019 йил 28 ноябрь

Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси олдида

ҲУДУДЛАР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚАРАТИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

Қонунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиби белгиланмоқда. Бундан ташқари, 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг даромадларини тақсимлаш, бюджет тизими бюджетлари харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари тартибга солиниши қайд этилган.

Бундан ташқари, қўмиталар мажлисларида Харажатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йилнинг учинчи чораги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг парламентга ҳисоботи ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Хусусан, дастур доирасида давлат қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида муҳим ислохотлар амалга оширилган ва улар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Давлат бошқарувида аҳолининг кенг иштирокини таъминлаш доирасида "Mening fikrim" махсус веб-портали таъсис этилган. Мамлакат бюджетининг шаклланиши ва ижросининг шаффоқлигини таъминлаш учун "Openbudget" инфомацион порталнинг яратилиши бошқарув тизимининг замонавийлашганини фидосидир.

Мажлисларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларнинг самардорлиги, бу борада бажарилиши зарур вазифалар ижроси таҳлил қилиниб, тегишли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ Бўйича ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ ИЖРОСИ ўрганилди

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилаётган бўлса-да, меҳнат ҳуқуқи ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши динамикаси юқориликча қолмоқда.

Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига аёл киши бўлгани сабабли ишга қабул қилишни рад этиш бўйича 274 та, қонунга хилоф равишда ишдан бўшатиш бўйича 319 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Уларнинг аксарияти, асосан, бюджет ташкилотлари, яъни халқ таълими, мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига тўғри келади.

Бу ҳақда Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида алоҳида сўз юритилди. Сенаторлар томонидан аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларида фаоллигини ошириш юзасидан комплекс дастурлар ижросининг ҳолати тўғрисида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар

қўмитаси раҳбариятининг ахбороти эшитилди.

Қайд этилишича, Хотин-қизлар қўмитаси томонидан йил бошидан буюн, авалло, оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш, уларга амалий кўмак қўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, 16 минг нафардан ортқ аёлларга тиббий, қарийб 19 минг нафар аёлларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ногиронлиги бўлган 5 мингга яқин аёлларга Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ногиронлик аравачалари ва бошқа реабилитация воситалари олиб берилди.

Шунингдек, мажлисда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг кўриб чиқилаётган масала бўйича ҳисоботида меҳнат лаёқатли аҳолининг қарийб 46 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани айтиб ўтилди. Жорий йилнинг январь — сентябрь

ойларида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига 314,8 минг нафар аёл муносабатлари бўлиб, шундан 146 мингга яқини доимий ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, 154 мингдан ортқ хотин-қизлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Шу билан бирга, мажлисда қайд этилганидек, худудларда айрим маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва йўналишлар бўйича масъуллар ўртасида ўзаро ҳамкорлик лозим даражада йўлга қўйилмаган ва аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги истиқболсиз лойиҳалар ўз вақтида янгилаб борилмаган. Оқибатда 2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмасининг 10 ойлик мақсади параметри Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Янгиобод туманларида, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида, Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманида бажарилмаган.

Шу муносабат билан мажлисда давлат секторидан ушбу масалалар бўйича назорат ва ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

ВАЗИРЛИКНИНГ Тўққиз ойлик ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚЛИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Транспорт вазирлигининг шу йил тўққиз ойи мобайнидаги фаолияти ҳақида ҳисоботи эшитилди.

Мазкур вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, 73 та йўловчи ташвиш автобус йўналиши ташкил этилиб, бешта автостанцияда қурилиш ишлари ва иккитасида реконструкция тадбирлари яқунланиб, фойдаланишга топширилган.

Шу билан бирга, жорий йилнинг учинчи чорагига қадар бажарилиши лозим бўлган 33 та топшириқнинг 2 таси бажарилмаган. Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислоом Республикаси ҳукуматлари ўртасида ҳаво қатновлари тўғрисидаги, шунинг-

дек, Ўзбекистон Республикаси ва Греция Республикаси ҳукуматлари ўртасида ҳаво қатновлари тўғрисидаги янги Битим лойиҳасини келишиш ишлари якунига етказилмаган.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мунисхон ҚАРИМОВА (Халқ сўзи).

Учрашув

Жинойтчиликка қарши курашишда кенг қамровли алоқалар йўлга қўйилади

Пойтахтимизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо давлатлар пойтахтлари ички ишлар/полиция идоралари раҳбарларининг биринчи ййгилиши бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Молдова, Қозғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон ички ишлар органлари масъул ходимлари, шунингдек, МДҲга аъзо давлатлар худудида Уюшган жиноятларга ва бошқа хавфли жиноятларга қарши курашишни мувофиқлаштириш бюроси масъул ходимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, ушбу форматдаги мулоқот МДҲга аъзо давлатлар ички ишлар органларининг пойтахт полициялари, ички ишлар идоралари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашишда ўзаро, кенг миқёсда муносабатларини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Ййгилишда мазкур турдаги учрашувга доимий маслаҳат органи мақоми бериш ва ушбу форматдаги фаолият тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ тузиш бўйича фикр алмашилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ (Халқ сўзи).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони Сенат девони масъул ходими Атамурат Кабуловга падари бузруквори

БАЎТАМУРАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 955 нухада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғистон бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетани ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. ISSN 0010-8796. 4 772010 8796001.